*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 97 (5388).
28 АПРЕЛЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—1 МАЙГА!

КОММУНИСТЛАР! ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КЕЙИНГИ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛИНГИЗ!

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ЖАМИЯТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ —ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАСИ!

(КПСС Марказий Комитетн 1 Май Чақирнқ ларидан).

• «БУЮК ПОЧИН» АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

## ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

**Шу йилнинг 21 апрелида Ўзбекистон пойтахтида, бутун мамлакатда бўлгани сингари, В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик бўлиб ўтди. «Қизил шанбалик»да 1.286 минг тошкентлик қатнашди.**

**Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг меҳнаткашлари, шаҳарнинг бутун аҳолиси ишлаб чиқаришдаги, қурилишлардаги, транспортдаги, ободонлаштиришдаги фидокорона меҳнатлари билан партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини, КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил), ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси қарорларини яқдиллик билан маъқуллаётганликларини намойиш этдилар.**

**Шанбалик уюшқоқлик билан, шаҳарлик-ларнинг бекиёс меҳнат ва сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Шанбалик давомида меҳнаткашларнинг юксак онглилиги, меҳнатга коммунистик муносабат, Буюк Почин анъаналарига садоқатлари ёрқин намойиш этилди.**

**Бевосита корхоналардаги, ташкилотлардаги ва муассасалардаги иш жойларида зарбдор вахтада 922 минг тошкентлик меҳнат қилди. Шу куни 12.247,6 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўз кучлари билан 2.447 минг сўмлик ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 159 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди.**

**21 апрелда мамлакат халқ хўжалиги учун 15 пахтачилик трактори, 10 йигирув машинаси, қишлоқ хўжалик машиналари учун 31,3 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 70 тонна кабель симлар, 725 минг сўмлик ип-газлама, 75 минг сўмлик устки ва ички трикотаж буюмлари, 17 минг жуфт пойабзал, 354 минг сўмлик мебель, 820,5 минг сўмлик тикувчилик буюмлари, 142 тонна кондитер маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб берилди.**

**Ленинча коммунистик шанбаликда шаҳар хўжалиги, фан ва маданият, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ва студентлари фаол меҳнат қилишди. Кўчалар, ҳовлилар, ҳиёбонлар, майдонларни ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.**

**Ишлаб топилган барча ҳақ — бу 899 минг сўмни ташкил этади, ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.**

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида хўжалик қурилишига ва экономика бошқаришни такомиллаштиришга, шунингдек бир қатор бошқа масалаларни муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель пленумида қайд этиб ўтилганидек, Сиёсий бюро шу йилнинг биринчи кварталида ва якунларни ҳисобга олиб, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани қандай бажарилаётганлигини таҳлил этди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, министрлик ва идоралар, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари олдига биринчи кварталдаги иш якунларидан тегишли хулоса чиқариб олиш, ҳар бир корхонанинг фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, унинг натижаларини талабчанлик билан баҳолаш, диққат-эътиборни қолоқ участкаларни илғорлар қаторига чиқаришга қаратиш ва ишда суръатни сусайтирмай туриб, 1984 йилги план топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун барча зарур ишларни қилиш вазифаси қўйилди.

Сиёсий бюро мажлисида капитал қурилишни планлаштириш, ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида корхоналарни техника билан қайта таъминлашни ва реконструкция қилишни жадаллаштиришга, лойиҳалаш сифатини яхшилашга, планлаштиришни ва қурилишга раҳбарликни такомиллаштиришга, қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг асосий бўғинлари сифатида қурилиш-монтаж трестларининг ролини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар кўзда тутилган. Капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтириш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштириш, план топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш юзасидан кўпгина тадбирлар белгиланди.

Ушбу қарорни ривожлантириш юзасидан қурилишда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш системасини такомиллаштириш, лойиҳа-смета ишини яхшилаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг юксак даражасига эришишга қаратилган техника сиёсатини таъминлаш учун СССР Госстройининг масъулиятини кучайтириш масалалари юзасидан қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилади.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорларига амал қилиб, бошқаришни бундан буён такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Шу муносабат билан давлат қурилишида демократик централизм принципини янада изчиллик билан амалга ошириш, раҳбарликнинг иқтисодий методларини кучайтириш, тармоқ ва территориал тараққиётни мақбул равишда боғлаб олиб бориш, тармоқлараро алоқаларни такомиллаштириш, бошқаришнинг асосий бўғини — ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона хўжалик мустақиллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро қайд этиб ўтганидек, буларнинг ҳаммаси министрликларнинг вазифаларини янада ойдинлаштиришни кўзда тутади. Министрликлар ўз диққат-эътиборини тегишли тармоқлар учун стратегик масалаларни ҳал этишга қаратувчи чинакам штаб бўлишлари, халқ хўжалигининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга тўла даражада жавоб беришлари лозим. Экономикани ривожлантириш комплекслигини таъминлаш учун республика ва маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек бошқариш марказий органларининг иш савиясини анча ошириш, улар аппаратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Агросаноат комплекси проблемалари юзасидан Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ иқтисодий Кенгаши якунлари муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, тегишли министрлик ва идораларнинг раҳбарларига Озиқ-овқат программасининг қандай бажарилаётганлигини таҳлил қилишни ҳамда колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлигини ошириш, иқтисодий ишни яхшилаш, хўжалик механизмини ва агросаноат комплексининг барча тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилашни топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Д. Ф. Устинов ўртоқларнинг ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министри Ф. Сивицкий билан учрашувлари ва суҳбатларининг натижаларини маъқуллади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Ташқи ишлар министрлари комитетининг Будапештда бўлиб ўтган мажлиси якунлари тўғрисида ўртоқ А. А. Громикониинг ахборотини, шунингдек ўртоқ А. А. Громикониинг Венгрия Халқ Республикасига қилган визити тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиб маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

• *ЭРТАГА—ЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ*

# БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ

**Кеча Тошкентда Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахти жаҳон биродарлашган шаҳарлар федерациясининг 1961 йилдан буён актив аъзоси ҳисобланади. 1957 йилда ташкил этилган бу халқаро ташкилот ўз сафида жаҳоннинг 60 мамлакатидан уч мингдан знёд шаҳарни бирлаштирган. Кўп миллатли Ватанимизнинг 150 га яқин шаҳари жаҳоннинг қарийб 300 та шаҳри билан биродарлик алоқасини ўрнатган. Улар орасида Тошкент ҳам бор.**

**Мухбирларимиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. КОЗИМОВдан биродарлашган шаҳарлар билан олиб борилаётган дўстлик алоқалари ҳақида бир неча саволларга жавоб беришини сўрашди.**

**— Воҳид Охунович, ҳар йили бутун тараққийпарвар инсоният жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунини нишонлайди. У тинчлик ва дўстлик шиори остида ўтади. Тошкент қайси шаҳарлар билан дўстлик алоқасини ўрнатган?**

— Бу йил жаҳон биродарлашган шаҳарлар федерацияси бутун жаҳоннинг шаҳарларига мурожаат этиб, бу ажойиб воқеани дўстликни мустаҳкамлаш, уруш хавфига қарши қуролсизланиш, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда шаҳарларни жипслаштириш белгиси остида ўтказишга даъват этди.

Совет шаҳарлари ва уларнинг миллионлаб аҳолиси бу санани КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги, уюшқоқлик ва ижодий ташаббус вазиятида нишонламоқдалар.

— Ўзбекистон пойтахти Ҳиндистоннинг Патиёла шаҳри билан дўстлашган. Бу ажойиб мамлакат билан бизни энг самимий дўстлик муносабатлари боғлаб турибди. Биз дўстлашаётган шаҳарда Ҳиндистон республикасининг граждани —«Союз Т—11» ҳаво кемасининг космонавт-тадқиқотчи и с и Ракеш Шарма туғилганлиги яна ҳам қувонарлидир. Югославиянинг Скопье, Покистоннинг Карочи, Ливиянинг Триполи, Марокашнинг Марокаш, Американанинг Сиэтл, Тунисининг Тунис шаҳарлари билан дўстлик алоқалари боғланган.

Ҳар йили ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари турли касб эгаларидан иборат делегациялар биродарлашган шаҳарларга бориб келишмоқда. Чет эллик меҳмонлар ҳам ўз навбатида Тошкент ҳаёти билан танишмоқда. Яқинда АҚШдаги шаҳар — биродарлашган Сиэтлдан келган делегация Тошкентда меҳмон бўлди.

Сиэтлнинг тараққийпарвар жамоатчи арбоблари тинчлик ва дўстлик руҳида яшашга интилиб, ўз шаҳрида «Таргит — Сиэтл» комитетини ташкил этдилар. Бу комитетнинг вазифаси ядро урушининг олдини олишдан иборат. Комитетга тарих ўқитувчиси жаноб Элдон Бэлл раҳбарлик қилмоқда. Комитет аъзолари ўз шаҳрида тинчлик учун кураш-даги бутун куч-ғайратни бирлаштириш мақсадида «Бутун совет халқига мурожаат» номи остида тинчликни ҳимоя қилиш имзоларини тўплаш ҳафталигини ўтказишди. Бу мактуб Тошкент шаҳри жамоатчилигига тарқатишиш учун бизга юборилди. Мактубда Сиэтл аҳолисининг биз билан тинчлик ва дўстлик руҳида яшашга бўлган интилиши баён этилган эди. Жаноб Элдон Бэлл бошчилигидаги «Таргит — Сиэтл» комитетининг вакиллари делегацияси ядро хавфига қарши ҳамкорликда курашга чақирувчи ўзаларининг ҳитоботномасини шаҳарнинг турли ташкилотлари вакилларига тақдим этиш мақсадида Тошкентга келишди.

Группа раҳбари ва делегация аъзолари бир неча бор таъкидлаб ўтишганидек, шаҳар ва унинг аҳолиси билан танишиш меҳмонларда ғоятда катта таассурот қолдирди.



СУРАТДА: биродарлашган Скопье шаҳри.

Делегациянинг барча аъзолари, барча америкаликлар ўз кўзлари билан биз кўрган нарсаларнинг ҳаммасини кўришганида эди, кишиларнинг самимийлиги, уларнинг ер куррасидаги халқлар билан тинчлик ва дўстлик руҳида яшашга бўлган интилишини яқиндан ҳис этган бўлур эдилар, ана шунда ер куррамизнинг тақдири учун янада хотиржам бўлиш мумкин эди, деб бир неча бор таъкидлаб ўтдилар.

**— Воҳид Охунович, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро тушунча учун курашга қаратилган фаолиятни фақатгина биродарлашган шаҳарлар билан муносабатлар ўрнатиш билан чегаралаииб қолмаса керак. Шаҳар вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Осиё, Африка мамлакатлари бирдамлик комитети, Жаҳон тинчлик кенгаши, жаҳон касаба союзлари федерацияси сингари бошқа ташкилотлар ўтказаётган кенг тадбирларда ҳам қатнашмоқда.**

(Давоми 2-бетда).

• Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

# ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида партия, совет ва хўжалик органлари раҳбар ходимларининг меҳнат коллективлари ва турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни ўтказишдаги актив иштирокини таъминлаш тўғрисида XXIV шаҳар партия конференциясининг талабларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

**Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия комитетининг июнь ва декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг маркснча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисидаги қарорини бажарар борибб, Куйбишев район партия комитети партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим пропагандистларидир. Шундан 40 дан знёд киши иқтисодий, советларга раҳбарлик қилмоқдалар.**

**Совет, хўжалик раҳбарларини сиёсий-тарбиявий ишларга жалб этишнинг муҳим формаси ягона сиёсий кунлар ҳисобланади. Уларни ўтказишда район партия комитети бюросининг аъзолари, район ижроия комитети ходимлари, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этмоқдалар.**

**Район партия комитети партия ва хўжалик раҳбарларининг, халқ депутатлари, касаба союз ва комсомол активининг турар жойлардаги оммавий-сиёсий ишларида иштирокини бўйича муайян тажриба тўпланган. Район ижроия комитети ходимларининг бевосита турар жойларда район аҳолиси билан учрашувларини ўтказиш, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувини ўтказиш практика қилинмоқда.**

**Шу билан бир қаторда Куйбишев район партия комитети ишида партия, совет ва хўжалик органлари раҳбар ходимларининг меҳнат коллективлари ва турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни ўтказишдаги актив иштирокини таъминлаш борасида муайян нуқсонлар мавжуд. Районнинг айрим ташкилот ва корхоналари раҳбарлари меҳнат коллективларида ўтказилаётган оммавий-сиёсий, идеологик ишларда иштирок этмаётир.**

**Марксизм-ленинизм университетини тамомлаган барча раҳбар ходимлар ҳам оммавий-сиёсий ишда қатнашяптн, деб ўйлайди.**

**Районда раҳбар ходимларнинг оммавий-сиёсий ишларни ўтказишга жалб қилишнинг идеология кенгашларини ўтказиш, сингари формаси кенг ривож топмади. Айрим раҳбарларнинг сўзлари аксарият ҳолларда ваъзхонликка айланиб кетяпти, конкрет характер касб этмаяпти, меҳнат коллективлари ҳаётн билан бўш боғланмоқда.**

**Районнинг барча раҳбар ходимлари «думалоқ стол» атрофидагн учрашувларда, «Раҳбар минбари»ни ўтказишда, «Савол-жавоб» кечаларида актив иштирок этяпти, деб бўлмайди.**

**Турар жойларда хотин-қизлар ва ўсмирлар клублари, агитмайдончалар, маҳаллий комитетларининг клубларини ташкил этиш бўйича ишлар ривож топмади.**

**Раҳбар ходимларнинг оммавий-сиёсий ишларда етарлича самарали қатнашмаганн муайян даражада район саноат корхоналарининг шу йилнинг ўтган уч ойлик якунлари бўйича бир қатор муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичлари бажарилмай қолишига олиб келди.**

**Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети Куйбишев район партия комитетига таъкидлаб ўтилган нуқсонларга барҳам беришни, барча партия, совет ва хўжалик органлари раҳбар ходимларининг меҳнат коллективларн ва турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни ўтказишда активроқ иштирок этишни таъминлаш юзасидан тадбирлар кўришни таклиф этди.**

**Шаҳар партия комитети бюросида шаҳар партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларнин янада такомиллаштиришга қаратилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

# ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан дам олиш учун Совет Иттифоқига келган Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто билан 26 апрель куни Кремлда учрашди.

Совет-Финляндия муносабатларига хос бўлган дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбат давомида К. У. Черненко билан М. Койвисто СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, халқаро вазиятнинг иккала томонни қизиқтирувчи баъзи актуал проблемалари хусусида фикрлашиб олдилар.

● Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида афғон халқининг миллий байрами — Апрель революциясининг 6 йиллигига бағишланган кўп кишилик йиғилишлар, дўстлик кечалари «Совет-Афғон дўстлиги мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!» деган шиор остида ўтмоқда. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 27 апрель куни бўлиб ўтган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

АДРнинг Тошкентдаги Бош консули Муҳаммад Насим Жўя йиғилиш аҳли ҳузурида сўзга чиқди.

# ПАРТИЯВИЙ ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

**Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университетида амалий учрашувлар думалоқ столи атрофида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Партиявий иш услубини такомиллаштириш, совет ва хўжалик органлари майда-чуйда ишларига аралашишга барҳам бериш — Тошкент партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган муҳим вазифасидир» мавзуи муҳокама этилди.**

**Район партия комитетларининг секретарлари, партия комитетларининг секретарлари, партия, совет ва хўжалик ходимлари партиявий иш самарадорлигини ошириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида партиявий раҳбарлик услуб ва методларини такомиллаштириш билан боғлиқ кўпгина масалаларни муҳокама этдилар.**

**Амалий учрашувлар думалоқ столи атрофидаги йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин олиб борди.**

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

## *Бугун Тошкентда:*

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил бошидан бери 1 миллион сўмлик, жами 50 мингта ички ва устки трикотаж буюмларини ишлаб чиқарди.

●

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.



Тошкент байрамга тайёрланмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11.00 да Тошкентда 13 даража иссиқ бўлади. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10—15 даража, кундузи 25—30 даража иссиқ бўлади.




ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ

# Пештахталарда табиат неъматлари

Юнусобод колхоз бозори байрамлардагидек тантанали қиёфада. Ҳамма жойда «Уроқ ва Болға» дўстлигини шарафловчи албон транспарантларни кўрасиз. Ўтган чоршанба куни бу ерда Тошкент области меҳнатчилари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси тантанали равишда очилди.

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўкинлиги бизни қувонтирмоқда, — дейди пенсионер М. Трофимова. — Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари саховатли ўзбек заминида етиштирилган дала неъматларини шаҳарликлар ҳузурига олиб келишган. Уларнинг шаҳар аҳолисига кўрсатаётган бундай ҳамхўрликларидан ҳаяжонланмай бўладими? Биз дала меҳнатчиларидан чексиз миннатдормиз. Албатта, шаҳарликлар ҳам улардан қарздор бўлиб қолмайдилар, сабзавот ва меваларни йиғиштиришда, Ўзбекистоннинг фаҳри бўлган пахта йиғим-терими даврида шаҳарликлар улардан ўз ёрдамларини аяшмайди.




Дала неъматлари ортилган автомашиналар бозорга бирин-кетин кириб келмоқда. Мана бу ерда Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда етиштирилган помидор, карам, лимонлар тушириляпти. Пойтахт областининг «Политотдел», Ленин, Гулистон колхозлари, «Пискент» ва «Қорасув» совхозлари меҳнатчилари Юнусобод массивидаги бозорга ўзларининг энг сара маҳсулотларини олиб келишган.

— Биз ўн биринчи маротаба анъанавий байрамолди ярмаркасида иштирок этяпмиз,— дейди Пискент район кооператив савдоси директори Ю. Қодиров.—30 апрелга қадар ҳар куни 25—30 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни планлаштирдик. Бу бизнинг 1 Май байрамига шаҳар аҳолисига совғамиздир.

Ярмарка ташкил этилган биринчи куннинг ўзидаёқ Тошкент областининг кооператорлари Юнусобод колхоз бозорида 107 тонна сабзавот ва 15 тонна картошка, кўп миқдорда ёнғоқ, олма, асал, донли-дуккакли маҳсулотлар, парранда гўшти сотишди.

* * *

**СУРАТЛАРДА: Юнусобод колхоз бозоридаги ярмаркада қишлоқ хўжалик маҳсулотларн: ушбу ярмаркада Бухоро область хўжаликларининг маҳсулотларн ҳам сотилмоқда.**

**Т. Каримов фотолари.**

# ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол ёшлар саҳифаси


# Анъаналарга ҳамиша содиқмиз


С. АЛИЕВ,
Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.


**Бундан 65 йил муқаддам 1919 йил апрель ойида Тошкент комсомолларн умумий йиғилишда қарор қабул қилишдн. Унда марказда Бутун Россня коммунистик Ёшлар Союзн ташкил этилганлигн учун биз ҳам ўзимизни шу Союзнинг бир қисми деб ҳисоблаймиз, союзимизн Коммунистик деб номлаймиз, шу муносабат билан уни қайта ташкил этамиз, дейилган эдн.**

Май-июнь ойларида комсомол ячейкаларини ташкил этган дастлабки активистлар Комилжон ва Раҳматилла Алимовлар, С. Умархўжаев, А. Исроилов, Т. Исамуҳамедов ва бошқалар эди.

65 йилдан буён Тошкент комсомолн қалбида В. И. Ленин номни муқаддас сақлаб, шаҳар партня ташкилотн раҳбарлигн остида ишлаб келмоқда. Бугунги кунда унинг сафларида 376 минг киши бор. Шаҳрнинг йигит ва қизларн КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларидан руҳланиб, зўр ғайратшижоат билан ишламоқдалар, коммунистик қурилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Комсомол ташкилотларн йиллик ва беш йиллик планларнн муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун актив курашмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ошкрнш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун курашмоқдалар. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» —ана шу шнор остида ўн минглаб ёш ишчилар зўр ғайратшижоат кўрсатдилар. «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг, 6-қурилиш трестининг комсомол-ёшлар коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада ишлаш ташаббуси билан чиқдилар. Шаҳар комсомол ташкилотларн ва пионер лагерларида студент_қурилиш отрядларнинг жангчиларнн учратасиз, Фақат шу йилнинг ўзидагина улар учнчи меҳнат семестрн давомида 5 миллион сўмлик қурилиш_монтаж ишларнни бажардилар.**

КПСС Марказий Комитетининг апрель [1984 йил] Пленумн ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари ёшлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Улар умумий таълим ва ҳунар мактаби системасн учун программа бўлиб қолди. Пленум касб танлаш ва ёшларнинг меҳнат тарбияси бўйича комсомол ташкилотларн фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан конкрет вазифалар қўйди. Пленум материалларн шаҳар комсомол комитетларида, ҳамма жойда чуқур ўрганилмоқда. Қўйилган вазифаларнн бажаришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

Тошкент комсомол ва ёшлари пойтахтни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намуналн жамоат тартибн ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун кураш ҳаракатида актив қатнашмоқдалар. Бунда оператив комсомол дружиналари отрядн муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир 300 дан знёд отряд ишлаб турибдн. Улар ўз сафларига 6 мингга яқин комсомол аъзосннн бирлаштирган.

Комсомол комитетлари ёшларнинг тобора кўпроқ қисмнни маданий-оқартув муассасаларн ва спорт ташкилотларн билан биргаликда бадний ҳаваскорликка жалб этмоқдалар.

Шаҳар йигит ва қизлари Тошкентни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар, шанбаликларда активлик кўрсатмоқдалар. Яқинда бутун мамлакат ёшлари билан биргаликда шаҳарнинг 400 минг йигит ва қизи ленинча коммунистик шанбаликда қатнашдн. Қадимий Тошкент янада чирой очдн.

Юбилейлар арафасида комсомол ташкилотларн кўплаб агитация-пропаганда тадбирларнни ўтказмоқдалар. Ёшлар аудиторияларида Совет Ўзбекистонининг тарихи ва социал-маданий ривожланиши, Ленин комсомолининг қаҳрамонона йўли ҳақида туркум лекциялар ўқилмоқда. Уни шаҳар комсомол комитети «Билим» жамиятининг шаҳар ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказмоқда.

Таниқли олимлар, партня ва комсомол ветеранлари, республиканинг машҳур кишилари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Шаҳар ёшларининг маданий ҳаётн ранг-баранг ва қизиқарлидир. Дўстлик карнавеллари, ёшларнинг санъат фестивеллари, «Студентлик баҳори» бадний ҳаваскорлик шаҳар конкурслари ва бошқа тадбирларнн ўтказиш анъана тусинн олди.

Тошкент шаҳар комсомол ташқилотнда ўтган 65 йил ичида ўсиб келаётган авлодни коммунистик рухда тарбиялаш бўйнча катта тажриба тўпланди. Комсомол актнви ҳамон ишнинг янги форма ва услубларнни, янги анъаналарни изламоқда.

Комсомол ветеранларининг ёрдамини алоҳида қайд этиб ўтмоқ керак. Улар ҳамиша қимматли тажрибаларни ўргатишга тайёрдирлар. Бугунги кунда шаҳар комсомоли ҳаётидаги бнронта воқеа ветеранлар иштирокисиз ўтмайдн. Тантаналн равишда комсомол билетн топшириш, пионерликка қабул қилиш, митинг ва тематик кечалар, хотира вахталари ўтказиш, Ленинча зачетларда қатнашиш — ана шуларнинг ҳаммасида қадрдон ветеранларимиз бизга фаол ёрдам бериштн.

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 60 йиллиги йилида шаҳар комсомолларн шонли юбилейларни меҳнат совғалари ва ўқишда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.**



## ЁШ ЎРИНБОСАРЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

**«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи мамлакат колхоз ва совхозларига ўз маҳсулотларини жўнатиб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Машинасозларнинг шонли меҳнат анъаналарн бу ерда Улуғ Ватан урушн йилларида, яъни кўчириб келтирилган завод бир неча кундан кейин фронт учун маҳсулот бера бошлаган пайтда майдонга келган эдн. Тажрибали ишчилар билан бирга ёшлар ҳам фидокорона меҳнат қилишдн.**

**Ўшандан буён шонли анъаналар давом этиб келмоқда. Коллектив камолга етдн, цехлар ўшандан буён тинчлик мақсадларида маҳсулотлар ишлаб чиқараяптн. Фақат бир нарсагина ўзгармасдан келмоқда: бу заводдагн тажрибали ветеран ишчиларнинг ёшлар тўғрисидагн ғамхўрлигидир. Мураббийлардан— Е. Е. Сологубова ва К. Орипов ва улар оталиқ қилаётган—Х. Абдураҳимов [юқоридаги суратда].**

**Комсомол аъзоларидан Ф. Каримов, М. Илёсов ва Ч. Қосимов [пастда] ўз ишининг моҳир усталаридир.**

М. Нуриддинов фотолари.



• Ҳаваскорлик ижодига кенг йўл

## Ёш талантлар кўриги

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб II Бутуниттифоқ бадний ҳаваскорлик ижоди кўриги ўтказилди, у катта байрамга айланди. Тошкентда Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғида 1983 йил 4 октябрда у тантаналн равишда очилган эди.

Ўшандан буён ёшларнинг бадний ҳаваскорлик ижоди тобора ривожланиб бормоқда. 2_автокомбинат, Жуковский номидаги тез медицина ёрдами клиник касалхонаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмаси ва бошқа кўпгина ташкилот ва муассасаларнинг комсомол ташкилотларида бадний ҳаваскорлик коллективлари ижоди ҳисоботлари беришяпти. Меҳнат, маданият, спорт эстафеталари ўтказиляпти. Ҳаваскор рассомлар, халқ амалий санъати усталари ишларининг виставкалари ташкил этилмоқда.

«Оталар жасоратини давом эттирайлик», «Менинг комсомол ёшлигим», «У кунларнинг шуҳрати сўнмас» тематик кечалари, комсомол қўшиқлари кечалари катта ватанпарварлик руҳида ўтди. Уларда партия ва комсомол, уруш ва меҳнат ветеранлари қатнашдилар.

Кўрик доирасида болалар ва ўсмирлар учун театр ҳафталиги ўтказилди. Профессионал ва ҳаваскорлик коллективлари болалар учун спектакллар қўйиб беришди. Киров, Ҳамза ва Чилонзор районларининг болалар уйлари тарбияланувчилари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Кўрик ўз сафига янги_янги талантларни чорламоқда, у давом этмоқда.

О. ЛИСКОВА.

# БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ


(Давоми. Боши 1-бетда).


— Албатта, биродарлашган шаҳарлар ўртасида ҳамкорликнинг янги_янги шакллари пайдо бўлмоқда. Агар илгари муносабатларимиз асосан муниципалитетларн и н г фақат депутатлари_дан иборат бўлган делегацияларни алмашишдан иборат бўлса, ҳозирда делегациялар составига экономиканинг турли соҳалари мутахассислари, шаҳар хизмати ходимлари, маданият арбоблари киритилмоқда. Ихтисослик манфаатлари доирасидаги муносабатлар тажриба алмашиш, муносабатларнинг самарасини ошириш имконини беради.

Шаҳарлар дўстлигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг газеталари, радио ва телевидениеси биродарлашган шаҳарлардан Тошкентга келган меҳмонларнинг сафарини ёритмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитетн биродарлашган шаҳарларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Биродарлашган шаҳарлар ҳаёти» шаҳар ахборот стенди учун материал тайёрлади. Яқиндагина Ленин кўчасида, Матбуот уйи биносида биродарлашган шаҳарлар дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма очилди.

Биродарлашган шаҳарлар ҳафталиги, бу шаҳарлар ҳаётидаги ажойиб воқеаларга бағишлаб тантанали маросимлар ўтказишни Тошкент жамоатчилиги қўллаб_қувватламоқда. Шаҳар Совети ижроия комитетн қошида чет эл алоқалари бўйича комиссия ишлаб турибди. У чет эл делегацияларн билан тадбирлар ўтказмоқда, ўз вакиллари_нинг биродарлашган шаҳарлар сафари тўғрисида ҳисоботни тингламоқда. «Маданият кунлари ва ҳафталигини» ўтказиш планларини кўриб чиқмоқда. Бу йил шаҳар Совети ижроия комитети Тошкентда Тунис ҳафталигини ўтказишга тараддуд кўряпти.

Тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро тушунча бутун да барча халқ тақдирида ўчмас чуқур мазмун қилувчи ҳодиса этмоқда.

Партия нинг дикқат тинчлик, уруш ни бартараф масалаларн 25 апрелда Марказий нинг КПСС масининг янги циясини тайёр йича Юнеп йиғилишида раиси, КПСС зий Комитетининг секретари Ерн Черненко ву ди. У ўн сўнгги грамма бизнинг лик ишига содиқлигимизни циализтнн ҳаёт мамлакатларимиз_ қа қардош лари билан биргалик ҳалокатининг олишга интилишгимизни ифодалади.

Биродарлашган ҳарлар билан ларнинг қиятли ривожланиши ҳам тинчлик хизмат қилади.

Биродарлашган ҳарлар ва ўртасида ҳаётини ёритиш қардошларга ва ҳамкорлик ларнинг тинчлик гуллаб_яшнаши да мустаҳкамланишн да ривожланишга сизнн!

• Сабзавотлар — шаҳарликлар дастурхони

# «ЯШИЛ КОНВЕЙЕР»НИНГ АНИҚ МАРОМИ

**Бу йил баҳор бир оз кечикди. Бу шаҳарликларнинг дала неъматлари билан таъминланишига ҳам таъсир кўрсатди. Шунга қарамай «яшил конвейер» суръати кун сайин жадаллашмоқда. Магазинларнинг пештахталарида янги сабзавот, кўкатлар кўпаймоқда. Айни пайтда ўтган йили жамғарилган картошка, пиёз, олма бир маромда етказиб берилмоқда. Бугунги кунда савдо ташкилотлари қандай ишлар билан банд! Мухбиримиз А. Хатамов ана шу савол билан «Ташплодовощ» бирлашмаси директори М. Х. Ортиқхўжаева мурожаат этди.**

— Олдимизда турган вазифани қисқа қилиб, мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка йил бўйи сотилишини таъминлашдан иборат деб таърифлаш мумкин. Айтиш керакки, бу масалани ҳал этиш учун катта ишлар амалга ошириляпти. Партия ва совет ташкилотларининг доимий ғамхўрлиги туфайли бирлашманинг моддий_техника базаси йил сайин юксалиб, қишлоқ билан алоқалари мустаҳкамланяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида 17 та янги магазин ишга туширилди ва савдо корхоналари сони 137 тага етказилди. 500 тонна ҳажмли пиёз омбори, сотишдан қолган олмага ишлов берилувчи цех қурилди. Агар 1982 йилда чакана товар оборотн плани 45 миллион 386 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 49 миллион 135 минг сўмга етди. Шу йилнинг биринчи квартали ҳам яхши бошланди — топшириққа қўшимча равишда 225,9 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти реализация қилинди.

Албатта, Тошкент областининг колхоз ва совхозлари шаҳарликларга дала неъматлари етказиб беришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. 1983 йилда район улгуржи-чакана савдо идоралари, мева-сабзавот комбинатлари Тошкент областидаги 92 та хўжалик билан 185.400 тонна сабзавот етказиб бериши тўғрисида шартнома имзолашди. Бу режа амалда 194581 тонна этиб бажарилди. Бу шаҳар билан қишлоқ ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг ёрқин далилидир.

Савдо тармоқларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги йўналиши ўзини тўла оқлади. Тошкентликларга борган сари кўпроқ картошка, пиёз, олма ва бошқа мева-сабзавот етказиб беряпти. Яна бир муҳим вазифа — харидорларга қулайлик яратишдир. Қурилаётган магазинлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ вақт сақлашга имкон берувчи пештахта_холодильниклар ва бошқа замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Қадоқланган ҳолда дала неъматлари борган сари кўпроқ сотилаётган кўрсатишни даги муҳим собланди. Ало йилда 17.600 ана шундай реализация бўлса, ўтган 29.647 тонн планда кўзда ганидан 11.014 кўп маҳсулот ция қилинди. қарамай, бугун да биз бу ишлар билан хосил қилдик. Чунки ҳозирга зация қилинган ча маҳсулотнинг йўғи 18,5 қисми қадоқланган эди тиляпти. Ке мева-сабзавот натларида линияларн олиб тазам ошириб ди. Бу ҳисоб тиш маданиятн риш, сотилаётган сулот сифати яхшн бўлишига минлаш имконини ради.

«Ташплодовощ» бирлашмаси тивн белгиланган ларнинг қиятли ривожланиши учун кўп ва хил олиб борилишига лигини тушуниб ли шаҳарликларнинг ҳаққонн ўсаётганлигидан сабаб бўлаётган маётган ремонтчилар. Сабзавотни кўрсатишга шилаш борасида га ошириляпти далик ишлаш ра ва ҳамкорлик ларнинг тинчлик гуллаб_яшнашига да мустаҳкамланишга сизнн!

• БРИГАДА ПУДРАТИ УСУЛИДА

# ДЎСТЛИК ИПЛАРИ МУСТАҲКАМ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Аҳқар Мамиров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. Бригада яқинда тузилган эди. Бор-йўғи уч йил муқаддам. Лекин ўзини ишда кўрсатди.

Оз ишчи кучи билан бригада аъзолари смена топшириқларини ўртача 125—130 процентдан адо этмоқдалар. Ойлик планларни муддатидан илгари бажаришяпти. Графикдан ўзиб ишлаш_моқда. Бугунги кунда бригада аъзоларининг ҳаммаси коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Завод ва цех маъмурияти уларнинг зарбдор меҳнатини муносиб тақдирламоқда. Бригадада ҳар бир ишчи бир неча касбни эгаллаган. Улар беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш учун курашмоқдалар.

— Биз ўн хилда деталь ишлаб чиқарамиз,—дейди А. Мамиров. — Вақтни ғоятда тежашга ҳаракат қиламиз. Бор маҳоратимизни ишга солишга интиламиз. Графикдан ўзиб ишлаяпмиз. Бу эса деталларни кўнгилдагидек тайёрлаш имконини бермоқда. Мураббийларимиз — созловчи А. Гладченко, токарь М. Бамуратов маҳорат сирларини қунт билан ўргатмоқдалар.

Ютуқларимизн и н г иккинчи сири шундаки, бизда иш аниқ ташкил этилган. Бригада йиғилишларига бўлим, участка раҳбарлари қатнашиб, етилган масалаларни ҳал этишда ёрдам бермоқдалар.

Биз йиғилишларда ўз ишимизни ҳар томонлама таҳлил этяпмиз. Якунларни кўриб чиқар эканмиз, шу ойда ким қолиб чиққанини аниқлаймиз. Қандай хато ва нуқсонларга йўл қўйганимизни ва унинг сабабларини таҳлил этамиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашамиз. Меҳнат интизоми ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, негаки бизда меҳнат интизоми жуда мустаҳкам. Меҳнат интизомини бузувчиларни бундан уч йилча муқаддам бир марта муҳокама қилган эдик. Ҳолбуки ўшанда бригада эндигина тузилган, «тасодифий» ишчилар кириб қолган эди. Лекин бригада иши улар учун синов бўлди. Баъзилари бардош беролмади, кўпларн эса синовдан яхши ўтди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлагани учун бригада илғорлар сафига чиқиб олди.

Бригаданинг кўпгина аъзолари институтларда, маҳорат мактабларида ўқишади. Бу ҳам ишга ёрдам бермоқда. Аскар ака политехника институтида, А. Давлатов, Ж. Бекмуҳаммедов ва бошқалар ҳам шу институтда таълим олишяпти. Юқорида айтганимиздек, бу уларнинг ишдаги маҳоратини оширмоқда. Улар жамоат ишида ҳам актив қатнашмоқдалар. Масалан, фрезерловчи Г. Мамаюнусова комсорг, А. Давлатов касаба союз ташкилотчисидир. Қўплари кўнгилли халқ дружинаси, халқ контроли ишида қатнашишяпти. Спорт соҳасида ҳам қозонаётганлари ҳам оз эмас.

Қисқаси, Аскар ака бошлиқ бригаданинг барча аъзолари бир_бири билан жуда аҳил. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай топшириқни адо этишга қодирдирлар.

В. ПАНЯКШИН.

• Идеология ишлари кундалиги

## ИШЧИ-ЁШЛАР УЧУН

«Билимлар уйи»да Тошкент ишчи_ёшлари учун «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллиги шарафига» мавзуида лекция ўқилди. У КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумининг ҳозирги босқичдаги идеологик курашнинг актуал масалалари тўғрисидаги қоида ва хулосаларига бағишланди. Лектор, «Билим» жамияти аъзоси Л. П. Петрова бу ҳақда батафсил тўхталди.

Лекция муҳокамасида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Б. Насимов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг ишчиси К. Саркисов коллективларда меҳнатни ташкил этиш ва интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ишчининг ролини ошириш каби масалаларга эътиборни қаратдилар.

КОРХОНАЛАР БИР МЕЪЁРДА ИШЛАСИН

# ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

**КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1983 йил), шунингдек апрель Пленумларининг ҳар бир корхонада аниқ меҳнат маромини, шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қарорлари Ўзбекистоннинг меҳнат коллективлари томонидан жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилинди. Биринчи кварталда кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати анча тезлашди, меҳнат, технология ва план интизоми мустаҳкамланди.**

**Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилаётган, моддий ресурслар омилкорлик билан сарфланаётган, сифат кўрсаткичлари изчил яхшиланаётган жойларда план_топшириқлари муваффақиятли адо этиляпти.**

**Бироқ ҳали ҳамма ишлаб чиқаришлар ҳам етарлича суръатда ишламаяпти, бир қатор корхоналар планлаштирилган квартал топшириқларини бир қатор техник_иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан маҳсулот реализация қилиш, буюртмачиларга шартнома бўйича зарур ассортиментдаги буюмлар етказиб беришни таъминлаш бўйича топшириқларни уддалашолмади. Булар қаторида 1-пойафзал фабрикаси ва Тошкент зардоб ва сивороткa илмий_тадқиқот институтининг бактерияли ва вирусли дориворлар ишлаб чиқариш бўйича корхонаси бор.**

**План бажарилмаганлигининг сабаби нимада! Ишлаб чиқаришда қолоқликни бартараф этиш учун қандай тадбирлар белгиланяпти! Бу масалаларга бугун мазкур корхоналарнинг раҳбарлари жавоб беришади.**

С. АЮПОВ,
пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

— Моддий-техник таъминотдаги доимий узилишлар фабрикани, айниқса 1983 йилнинг охирида қийин аҳволга солиб қўйди. Шу йилнинг 1 январига келиб айрим хом ашё запаслари деярли қолмади. Қўқондаги хром чармлар заводи 4.7000 минг квадрат дециметр хром, Катовскийдаги «Пластмасс» заводи 18.2000 минг квадрат метр синтетик чарм етказиб бермади, Богородскийдаги «Искож» заводи эса «акринит» кирзасидан 23,6 минг квадрат метр етказиб бермади.

Бундай аҳвол январь ойи планининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. Натурал маҳсулот ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот реализация қилиш, шунингдек шартнома бўйича буюмлар етказиб бериш топшириқлари бажарилмади.

Шу билан бирга белгиланган тадбирлар туфайли февраль ва март ойи плани ортиғи билан адо этилди, йўл қўйилган қолоқлик бартараф этилди.

Бироқ биринчи квартал планини 32 минг жуфт пойафзалга бажарилмаслиги ва 32 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинмаганлиги биринчи квартал ассортимент фондини реализация қилишдан бош тортади. Яна шундай аҳвол ҳам содир бўляпти. Кўпинча ёзда қишки ассортимент — жумладан, иссиқ ботинкалар ва кирза этиклар қайтариб юборилади. Бу буюмлар эса бизда қишин_ёзин махсус ускуналар ва потокларда тикилади.

Махсус потокларнинг ёзги пайтда бошқа пойафзаллар ишлаб чиқариш мақсадида қайта қуриш сабаб томонидан ярмаркада қишлик иссиқ пойафзал учун бериладиган буюртманинг бажарилмаслигига олиб келади. Шундай савол туғилади. Нега савдо мавсумий резерв маҳсулотга эга бўлиш учун мавсумий пойафзални сақлаб туришдан бош тортяпти?

Корхона томонидан план кўрсаткичларининг бажарилмасли талдаги маҳсулот етказиб бериш бўйича қолоқликни тўла бартараф этиш имконини бермади.

Буюртма бўйича маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилишидаги маълум қийинчиликлар яна шунинг учун ҳам юз беряптики, савдо ташкилотлари улгуржи ярмаркаларда у ёки бу ассортиментдаги буюмни сотиб олиб, уларни сотиш учун мутлақо масъулият ҳис қилмайдилар, — кўпинча илғари шартнома бўйича белгиланган ассортимент фондини реализация қилишдан бош тортадилар. Яна шундай аҳвол ҳам содир бўляпти. Кўпинча ёзда қишки ассортимент — жумладан, иссиқ ботинкалар ва кирза этиклар қайтариб юборилади. Бу буюмлар эса бизда қишин_ёзин махсус ускуналар ва потокларда тикилади.

Махсус потокларнинг ёзги пайтда бошқа пойафзаллар ишлаб чиқариш мақсадида қайта қуриш сабаб томонидан ярмаркада қишлик иссиқ пойафзал учун бериладиган буюртманинг бажарилмаслигига олиб келади. Шундай савол туғилади. Нега савдо мавсумий резерв маҳсулотга эга бўлиш учун мавсумий пойафзални сақлаб туришдан бош тортяпти?

Корхона томонидан план кўрсаткичларининг бажарилмасли

Б. ВАФОҚУЛОВ,
Тошкент зардоб ва сивороткa илмий_тадқиқот институти директори.

— Тошкент зардоб ва сивороткa илмий-тадқиқот институти корхонасида сўнгги 15—20 йил мобайнида техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари амалга оширилмади. Ускуналар эски ва ғоят уринганлиги сабабли гамма-глобулин цехи бир маромда ишламади. Бу масала бир неча марта СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва вирусли дориворлар ишлаб чиқариш Бош бошқармаси, партия ва совет органлари олдига қўйилган (гамма-глобулин цехи корхонада ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 40 процентини тайёрлайди). Булар ҳаммаси 1984 йилнинг биринчи кварталида маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг 481 минг сўмликка, товар маҳсулот бўйича планнинг эса 348 минг сўмликка бажарилмай қолишига сабаб бўлди.

Ишлаб чиқаришнинг ва иш майдонларининг аҳволи техник шартларга мувофиқ эмаслигини институтида 1983 йилнинг ноябрь_декабрь ойларн мобайнида ишлаган ва цехни ремонт учун ёпиб қўйишни таклиф этган СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бактерияли ва вирусли дориворлар ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг комиссияси ҳам тасдиқлаган. Бу масала биринчи квартал мобайнида Главкада ва СССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари П. Н. Бургасов ҳузурида тўрт марта муҳокама қилинди.

Ҳозирги пайтда гамма-глобулин капитал_тикланлари тезкорлик амалга ошириляпти. эски ускуналарни янгиси ўрнатилиб, совутиш камераларини кондиционер ва ҳаво каларни сақлаш камера қурилиши яна бир қатор ишлар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш тугалланади. Бу квартал_да цех квартал_да ишга тушади.

**БИЗНИНГ ШАРҲИМИЗ: икки корхона директори муҳим кўрсаткичлар бўйича — маҳсулот реализацияси ва шартнома мажбуриятлари бўйича квартал планининг бажарилмаслигини турли сабаблар билан изоҳлаяпти. Улар учун бир нарса умумий: раҳбарлар етарли тадбиркорлик кўрсатишмаган, ишлаб чиқаришнинг инженерлик жиҳатдан таъминлаш бўш йўлга қўйилган.**

**Биринчи ойда пойафзал ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жуда нотекис бўлди — хом ашё ва материаллар етишмади, шериклар, таъминотчилар ишга панд беришди. Шундай савол туғилади: ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан пойафзалчиларни ўзлари таъминламаса ким таъминлаши керак! Уларнинг ўзлари тадбиркорлик, усталик кўрсатишлари лозим.**

**Шартнома мажбуриятларининг бажарилишига бефарқ қарашга тоқат қилиб бўлмайди. Бунда «Узкожобувьпром» бирлашмаси ўз корхонасига самарали ёрдам кўрсатиши лозим. Ахир Қўқондаги хромлн чарм заводи Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли корхона_ку.**

**Тошкент зардоб ва сивороткa илмий-тадқиқот институти корхонасида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш масалаларини ҳал этиш чўзиб юборилди. Натижада гамма-глобулин сингари муҳим дориворни тайёрлашда қолоқликка йўл қўйилди. Ахир, ускуналар анчадан бери ишлаётганди-ю, цехда аварнялар рўй бердн. Бу аҳвол квартал планининг бажарилишига олиб келди. Ахир бунинг чораси роқ кўриш мумкин эди-ку.**

**Ҳозир мамлакатда бир қатор кенг миқёсдаги экспериментлар амалга оширилмоқда. Бу эксперимент доирасида ҳали бошқа ишлаб_чиқаришларда ҳам тортилади. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумида раҳбарларнинг ишни ресурс ва экономикани бошқаришни, сифатни ошириш ва маҳсулотни миллаштиришни вазифаси қўйилган.**

**Бундан кутилган мақсад ишлаб чиқаришда юксак самарали бўлишини, оз ишчи кучи ва маблағ сарфлаб, пландаги ҳажмда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, таъминотчиларнинг мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашдир. Бунинг асосий йўли корхоналар ўртасида кенгайтиришдан, раҳбарларнинг ижодий мустақиллигини таъминлашдан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ўзларининг ролини оширишдан иборат. Ана шундагина улар ишларни анчагина самарали ташкил этиш, ишлаб чиқаришни оқилларча бошқаришга эришишдан манфаатдор бўлишларига эришишдан иборат.**

**Бу демак, моддий_техника таъминотини яхшилаш, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва зацияларни фаол жорий этиш зарур.**




Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали афишасида истеъдодли рассомлар Жавлон Назарбеков ва Баҳодир Жалоловлар республика киночилар уйида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб монументал композиция яратиш устида иш олиб боришяпти. Тараққийпарвар кинематографчиларнинг жаҳон маданиятига қўшаётган ҳиссасини уларнинг тинчлик учун олиб бораётган ғоявий тасаввур ва орзуларини ифодаловчи прогрессив киносанъаткорлар киноплакатларидек, замонамиз тараққиёт ва ҳалқлар озодлиги учун империализм ва реакцияга қарши курашда актив иштирок этяпти-лар. Ўзбек рассомлари яратаётган монументал композицияда санъатнинг ана шу муҳим вазифаси рамзий образларда талқин этилади. Унда Ўзбекистон кинопўсталарининг уч қитъа санъатни хазинасига қўшаётган ҳиссалари ҳақида ҳам образли ҳикоя қилинган.

СУРАТЛАРДА: рассом Б. Жалолов; Киночилар уйининг янги интерьери. О. Апухтин фотоси.

# Шанба оқшоми

• МОСКВАДА НАШР ЭТИЛДИ

## «ЎЗБЕКИСТОН» ФОТОАЛЬБОМИ






«Ўзбекистон» фотоальбоми. «Планета» нашриёти. 1984 й.

ОКИЛ УМУРЗОҚОВИЧ САЛИМОВнинг умумий таҳрири остида.

САРВАР ОЛИМЖОНОВИЧ АЗИМОВ, БОРИС АВКСЕНТЬЕВИЧ ПРИВАЛОВ тексти. ГЕОРГИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ КРАЙНОВ махсус муҳаррирлигида.

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ МАРКЕЛОВ, РОМАН ЗАЛЬМАНОВИЧ ОЗЕРСКИЙ махсус олган суратлар.

Рассом ДМИТРИЙ ДМИТРИЕВИЧ ПЕТРОВ.

Москвадаги «Планета» нашриётида чоп этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳақидаги фотоальбом шундай номланган. Бу нашр Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган.

Аҳолисининг миқдори жиҳатидан совет Урта Осиёсида энг йирик бўлган Ўзбекистон Сирдарё ва Амударё оралиғидаги деярли 450 минг квадрат километр жойни эгаллаган. Аҳолиси 17 миллион киши. Уларнинг 2 миллиони яқинда ташкил этилган Ўзбекистон ССР 1924 йилнинг октябрида ташкил этилган. У энди қардош иттифоқдош республикаларнинг ягона оиласида гуллаб-яшнамоқда. Унинг таркибида Қорақалпоғистон АССР ва 12 область бор.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон мамлакатнинг энг асосий пахта базаси бўлибгина қолмасдан, саноати, фани ва маданияти юксак ривожланган республикага айланди. Альбомга ўчта Ленин орденининг ҳам тасвири туширилган. Бу юксак мукофотларга республика турли йилларда қишлоқ хўжалигини, совет пахтачилигини ривожлантиришдаги улкан ютуқлари, ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини юксалтиришда қўлга киритган муваффақиятлари учун сазовор бўлган. Республика байроғида Октябрь революцияси ва Халқлар дўстлиги орденлари ҳам порлаб турибди.

Альбомнинг ранг-баранг суратлари китобхонни ўлкамизнинг тарихи, халқ хўжалигини социалистик қайта қуриш, Улуғ Ватан уруши йилларн ва тинч кунлардаги меҳнат қаҳрамонликлари билан таништиради, зилзилалардан зарар кўрган Тошкентни тиклашда мамлакатимиз қардош республикалари берган ғоларча ёрдам ҳақида ҳикоя қилади. Тошкент— ёшлик, меҳнат, фан ва маданият шаҳри ҳамда республикамиз пойтахти сифатида намоён бўлади.

Китобда, шунингдек, Ўзбекистон шаҳарлари, ўлканинг диққатга сазовор жойлари ҳам ўз аксини топган.

• УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон «Ватан» жамиятида Афғонистон Демократик Республикасининг апрель революцияси 6 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. «Ватан» жамиятн президиумининг раиси, таниқли ўзбек шоири, СССР Давлат мукофотининг лауреати Рамз Бобожон, филология фанлари доктори, профессор А. Абдуазимов, чет эллик студентлардан В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг 5-курс студенти афғонистонлик Худойқул Иноқ, суриялик Муҳаммад Ал-Бухорий, нордан иялик Мустафо Ал-Бухорий ҳамда афғонистонлик аспирант, доктор Сахо Осифий ва бошқалар сўзга чиқиб, савр инқилобининг аҳамияти ҳақида гапиришди. Учрашув мароқли ўтди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

• Бир шингил табассум

## ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИ

### ЖАНОБНИНГ ҲИСОБИГА

Техас ресторанининг бош официанти бир хўрандага ниҳоятда дарғазаб бўлиб ўшқирди:

— Сиз нима қилиб қўйдингиз, жаноб! Ахир бир бегуноҳ официантни кайф устида отиб ташладингиз-ку!

Хўранда сира пинак бузмай, кўл силтаб жавоб қилди:

— Ҳеч қисм йўқ. Уни ям менинг ҳисобимга ёзиб қўяверинг.

### МЕНИНГ БЕМОРИМ

Бир бемор врачга мурожаат қилиб деди:

— Доктор менга, тўғри диагноз қўйилганига ишончингиз комилми! Шуни эслатиб қўяй, бир врач менинг дўстимни плевритдан даволаган эди, у эса терламадан вафот этди.

— Сиз сира ташвишланманг, — деди врач унга жавобан.—Агар мен плевритдан даволаётган бўлсам, демак менинг беморларим худди ўша плевритнинг ўзидан вафот этади!

Т. МАҲМУДОВ тўплаган.

ҲУҚУҚ ТАРТИБОТИ ПОСБОНЛИГИДА

## Намунали тартиб учун

Тошкент тўқимачилик комбинатида Тошкент шаҳри ҳуқуқ муҳофазаси органлари ходимларининг корхона меҳнатчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. «Ватан» жамиятн президиумининг раиси, таниқли ўзбек шоири, СССР Давлат мукофотининг лауреати Рамз Бобожон, филология фанлари доктори, профессор А. Абдуазимов, чет эллик студентлардан В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг 5-курс студенти афғонистонлик Худойқул Иноқ, суриялик Муҳаммад Ал-Бухорий, нордан иялик Мустафо Ал-Бухорий ҳамда афғонистонлик аспирант, доктор Сахо Осифий ва бошқалар сўзга чиқиб, савр инқилобининг аҳамияти ҳақида гапиришди. Учрашув мароқли ўтди.

Учрашувда ана шу талаблардан келиб чиқиб, давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этилишини назорат этишни кучайтириш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Прокуратура, ички ишлар, суд ва юстиция органларн тартиб бузилишлари ва жиноятчиликка қарши иш олиб бормоқдалар. Улар турли воситалар билан барча учун умумий бўлган вазифа— давлатимиз куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашга даъват этилганлар.

Айни пайтда учрашувда таъкидлаб ўтилдики, ҳали қонунчиликни мустаҳкамлаш, рўй бераётган айрим нуқсонларни мустаҳкамлаш ишида барча ишлар қилинганича йўқ. Шу муносабат билан баъзи меҳнат коллективлари ўзларига СССР Қонунида берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишмаётганн н и кўрсатиб ўтиш керак. Айрим корхоналарда кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, тартиб бузилишларининг олдини олиш бўйича профилактика советлари яхши ишламаяпти. Баъзи микрорайонларда тартибни муҳофаза қилиш жамоатчилик пунктларининг аъзолари пассивлик кўрсатишяпти.

Жамоатчилик тузилмаларининг фаолиятини ҳар томонлама активлаштириш талаб этилади. Бу Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартибн ўрнатилган шаҳарга айлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ҳуқуқ-муҳофазаси органларининг ходимлари комбинат ходимларининг ҳуқуқ масалаларн бўйича кўплаб саволларига жавоб беришди.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

Т. Каримов фотолари.

• ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШИ

## ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши олимлари республика тарихида биринчи марта ишлаб чиқан атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг узоқ муддатли лойиҳаси 2005 йилгача мўлжалланган фан-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари комплекс программасига киради. Ўтган йилларда айрим соҳаларда ўтказилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ янги программа барча соҳаларни бир-бирига боғлаб кўриб чиқади. Бу эса хўжалик фаолиятининг табиатга салбий таъсирини ўрганибгина қолмай, шу билан бирга проблемани ҳал этишнинг конкрет йўлларини таклиф этиш имконини ҳам беради.

Программанинг махсус бўлими республиканинг баъзи йирик шаҳарлари —Тошкент, Самарқанд, Фарғонанинг ривожига бағишланган. Қишлоқ посёлкаларини ривожлантиришнинг энг мақбул принциплари ва таклиф қилинмоқда. Масалан, ҳозир республикада хутор системаси тугатилаётганлиги, олимларнинг фикрича ихчам қишлоқ посёлкалари теварагида кўкаламзор иҳота зонасини барпо этиш имконини беради, уйлар тарқоқ жойлашган шароитда бундай қилиб бўлмас эди. Бундай иҳота зонаси уй-жойларни янада қулайлаштиради, ҳаво ҳавзасининг тозалигини яхшилайди.

Узоқ муддатли программа тузилганлиги муҳофаза тадбирлари кўпинча иқтисодий самара ҳам беришини яққол исботлайди. Масалан, цемент ишлаб чиқариши чангини тутиб қолиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

— Янги программанинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, — деди ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши секторининг мудири В. И. Соковнин, — узоқ муддатли планлаштириш ,практикасида биринчи марта проблемани ҳал этишнинг бир неча варианти таклиф қилинмоқда. Масалан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши муносабати билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳозирги миқёслари анализ қилинади. Бошқа бир вариант проблемани табиатни муҳофаза қилишнинг ҳозирги кунда мавжуд бўлган ҳамма имкониятлари нуқтаи назаридан тахлил этади. Учинчи вариант эса масалани фан ва техниканинг ҳозирги ютуқлари асосида ўрганади.

СССР Фанлар академиясининг мувофиқлаштирувчи кенгаши барча иттифоқдош республикаларнинг комплекс программаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон олимларининг ишини энг яхшиларидан бири деб топди ва уни бошқа регионлар учун намуна сифатида тавсия этди.

(ЎзТАГ).

## СУНГГИ ТО КОЛОНКА

### • БИР МИНУТДА ҚАНЧА ОДАМ ТУҒИЛАДИ?

Ер юзида ҳар минутда ўртача 146 киши, ҳар соатда эса 8760 киши туғилади, бир йилда аҳолн сони қарийб 77 миллион кишига ошмоқда. Шунисн қизиққи Ер юзи аҳолиси миллиардинчи маррага 1800 йилга келибгина эришди. Олимларнинг фикрича бунинг учун 2,5 миллион йил вақт керак бўлди. Аҳолининг учинчи миллиарддан тўртинчи миллиардлн маррага етиши учун бор-йўғи 15 йил керак бўлди [1960 йилдан 1975 йилгача бўлган вақт ана шу даврга киради].

### • МИТТИ КИТОБЛАР МУЗЕЙИ

Югославиянинг Нови-Сад шаҳрида яқинда Европада биринчи миниатюра китоблари музейи очилди, деб хабар беради «Югославские новости» газетаси. Музей экспозицияларини жаҳоннинг ўттизта мамлакатида нашр этилган миттн китоблар ташкил этади. Ана шу экспонатлар орасида 1932 йили АҚШда нашр этилган миниатюра формасидагн биринчи китоб, шунингдек бундан уч йил муқаддам Японияда чоп қилинган жаҳондаги энг миттн китоб ҳам бор. Унинг периметри бор-йўғи 3,5 миллиметрдир.

### • ПАҲЛАВОН ТУТ ДАРАХТИ

Тут дарахтининг максимал йўғонлиги бор-йўғи 40 сантиметрим ташкил этади. Бироқ яқинда Вьетнамнинг Ламдонг вилоятидаги ўрмонда ёввойи ҳолда ўсган гигант тут дарахти топилиб қолди. Дарахт диаметри 2,5 метрни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга қараганда бу дарахт ҳар йили 500 килограммдан ортиқ барг бериши мумкин экан. Ваҳоланки, шунча баргни минг квадрат метрдаги тутзорлардан йиғиб олиш мумкин. Ана шулар ҳақида яқинда «Вьетнам» журнали хабар берди.

### • 412 МИНГ ДОЛЛАРЛИ ЧОЛҒУ АСБОБИ

Лондондаги аукционда яқинда жаҳондаги энг қиммат виолончель сотилди. Буюк уста Страдивари ясаган жажийҳ чолғу асбоби 412 минг долларга сотиб олинди. Инглиз виолончелчиси Роберт Козн унинг янги эгаси бўлди. Музикачининг яқин ўртада бўладиган конкрет программаси ҳам эълон қилинди. Шундай қилиб Страдивари виолончели яна оҳанг таратади.

### • СИГИРНИНГ АНТИҚА «БОШ КИЙИМИ»

Швед олимлари сигирлардан кўп сут соғиб олишнинг антиқа усулини ўйлаб топдилар. Ёз пайтларида сигирларнинг бошига махсус пластик дисклар кийдириладиган бўлди. У ҳар хил ҳашаротларни жуда ҳам қўрқитади. Ўнчалик мураккаб бўлмаган содда бу операция самараси туфайли сут соғиб олиш сезиларли даражада кўпайди. Ана шу ҳақда Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси хабар берди.

### • ҲОСИЛНИ ОШИРАДИГАН ВОСИТА

Венгер мутахассислари ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширадиган янги восита ишлаб чиқдилар. Унга невирол деган ном берилдн. Тажриба натижаларн шуни кўрсатаяптики, ўсимликлар, мевали дарахтларга гуллаган пайтида ана шу невирол билан ишлов берилса, ҳосилдорлик 10—20 процентга ошар экан. Айниқса у кунгабоқарни кўпгина касалликлардан сақлаб қолар экан.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. оқшоми

28 АПРЕЛЬ. 1984 й.

НАБОТОТ ОЛАМИДА

## ГУЛЗОР КЎРКИ

Айни баҳор фасли ўз сепини ёйиб, чиройини намоён этган палла. Боғларнинг барқут либоси ғарч. Шундай сершавқ дамларда биз ўзимиз ташкомат қилаётган гўшаларда баҳор безакларидан нусха олиб қолишга ошиқамиз. Қуйида ошларимизга файз киритадиган беор, айни бир ўтда хосиятли гул-чечаклар ҳақида маълумотлар бериб ўтамиз.

### ГУЛТОЖИХЎРОЗ

Тождор гул деб ном олган гултожихўроз қадим замонлардан бери Урта Осиё халқларининг ҳар ардоғида ўстирилиб келинади. Гултожихўрознинг набототдаги аналоги «Целозия кристата»— целозия бўлиб, жанжгуллилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Гултожихўрознинг бўй етмиш сантиметргача боради. Барглари йирик, узунлиги 5 сантиметр. Ўсимлик гулларининг майин, бахмалсифат ял-ял кўринишн ниҳоятда жозибали. Гултожихўроз гуллари турли бўлиб, анча вақтгача чиройини намойиш қилиб туради, уни ҳатто бир неча ойлар сақлаш ҳам мумкин.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ўзининг даволаш амалиётида жароҳат ҳамда яраларни эт олдиришда, ўсимликнинг шираси билан оғиз бўшлиғининг чақаланишини, кўҳна яраларни даволашда фойдаланган. Ўз даврида гултожихўроз нав келтирадиган асосий омиллардан бўлган. Шуни айтиш керакки, ўз таркибида хурушлаштирувчи моддалар сақланган туфайли гултожихўроз дамламаси билан ювилган оёқлар замбуруғли тери касалликларига нисбатан чидамли бўлади.

Гулзорларни гултожихўроз экиб безасангиз, боғчангиз янада кўркам бўлиб, фусункорлиги билан файз бағишлайди.

### ГУЛХАЙРИ

Гулхайри кўркам ўсимлик бўлиши билан бирга, серҳосиятлиги билан ажралиб туради. Гулхайри —ғўзадошлар оиласига мансуб кўп йиллик, бўйи бир ярим метргача етадиган ўсимлик. Бизнинг ўлкамизда гулхайрининг битта экма ва еттита ёввойи тури бор.

Ўсимликнинг пояси йўғон тукдар билан қопланган, барглари 3 — 7 бўлакли, узун бандли. Гуллари ниҳоятда жозибали, ранги шафақи, алвони, нимпушти, нуқраранг бўлиши мумкин.

Халқ табобатида гулхайри илдизидан тайёрланадиган дамлама истиробли йўталга, кўкйўтал, нафас йўллари, жумладан ўпка шамоллашида даво сифатида тавсия этилади. Ўсимлик илдизи асосида тайёрланадиган доривор омиллар балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи, оғриқ қолдиришидан ташқари, ичбуруқ хасталигида, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси каби касалликларда нафлилиги билан танилган. Абу Али ибн Сино гулхайрининг илдизи, барги, уруғларидан тайёрланган дамламани зотилжам, буйрак хасталиклари ва йўталнни даволашда қўлланган.

Илмий медицина ўз навбатида гулхайрининг хосиятларидан тадбиркорона фойдаланилмоқда. Жумладан, гулхайри турларининг доривор препаратлари ўраб олиб заҳарсизлантирувчи, яллиғланиш билан содир бўладиган нафас йўли хасталикларида, балғам кўчирувчи беозор манба сифатида ишлатилади.

Гулхайри ҳар қандай жойни безашга қодир беор ўсимликлардан ҳисобланади. Уни боғчангиз гардиши, ҳовли зирҳига, шунингдек дала шийпонлари бағрига экадиган бўлсангиз, ўсимлик тезда ўзининг кўркам кўриниши билан боғча ва гулзорларга оро беради.

М. НАБИЕВ, доришунос.

Шанба фельетони

## «АРРА»ЧИЛАР

Ҳурматли оқшомхон! Кейинги пайтда замонавий эртакларни кам ёзаётгандсиз, шекилли. Келинг яхшиси, бугунги шанба оқшомида Сизга ёзиб бир «эртак-фельетон» айтиб берай...

Хуллас, бор эканда йўқ экан, ҳозирги тўк замонда, кун чиқар бир томонда, Тошкентдек азим бир шаҳарда олти нафар ишбилармон-фирибгар бор экан. Улар фирибгарликда, молия-бухгалтерия ишларида жуда-нам деганига сабоқ берар эмиш. Ишбилармонлар айланиб-айланиб, «Главташкентстройдек улкан бир «Ташкентэлектротехник» трестини «Промстройтехкомплект» деган бирлашмани катта комрамзит деган заводнга «ин» қилдилар ва узоқ йиллар мобайнида давлат маблағини ҳеч қандай асоссиз ўзлаштирмоқ келибдилар. Улар «Инсофсизга эрк берсанг, элни талар» деган халқ мақолини мингбир марта исботлаб ташлабдилар. Қандоқ қилиб дейсизми! Асло тушунмайсиз. Ахир бу замонавий эртак-фельетон-да! Бирма-бир айтиб берай. Аввал Сизларни фирибгарлар билан таништирайлик. Қаршингизда ўлтирган нусха керамзит заводининг темир-бетон буюмлари цехи бошлиғи Хайд Адизов бўлади. Унинг ёнида йирма темир-бетон цехи катта мастери Юрий Бочкарёв ерга қараб турибди. «Ерга боқардан—ер қўрқар» деб шунга айтсалар керак. Учинчиси Василий Тимофеев. Ловозимни туппа-тузук — завод бош инженери. Тавба унга нима етмаётганийкин! Маошн ҳам тузуккина. Э-ҳа, гап бўёқда экан, унинг турнши кишига «Ҳар тўкисда бир нуқсон», «Менинг нафсим баландир...» деган халқ нақлларини эслатади. Навбатдагиси Екатерина Бобух. Завод кадрлар бўлимида катта инспектор. Қарашлари тиёрак, бир тош билан икки қарғани уради. Владимир Мордвинцев эса тоғни урса талқон қилади. 12-автобус паркида шофёр бўлиб ишлайди. Бироқ юриш-туришн — «Жаллоб — турганбитганн қаллоб». Ва ниҳоят тиржайиб турган олтинчи фирибгар бу Омонбой Жонжигитов. 1-механизациялашган кўчма колоннада ишлайди. Эндигина «Меҳнат кишини боқар, ялқовлик ўтга ёқар» деган ўзбек халқ мақолнни чақаётгандай эдн... Аммо минг афсус... Фирибгарлар тўзоғнгга илиндню, бу «касб»га сеҳрланиб қолди.

Мана «эртак-фельетонимиз қаҳрамонлари» билан ҳам таништиб олдингиз. Энди қилмишларн билан таништнинг. Шундай қилиб кунлардан бирида Адизов бош инженерга ёрилиб қолди.

— Директоримиз Анатолий Фёдорович Пирогов хўб тилла одам-да, кўнгилчанг, нима десанг йўқ демайди, ҳеч нарса билан иши йўқ...

— Тўғри айтасан, — унинг гапини шартта бўлиб, тасдиқлайди Тимофеев. — Кейинги пайтда завод бедарвоза бўлиб қолган. Кадрлар қўнимсизлиги авжида. Ишчи кучи етишмайди. Интизом йўқ. Ишга ким келяпти, ким йўқ, текширилмайди. Молия-бухгалтерия ишларн эса ўлдажўлда...

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, айёр кўзларини ўйнатади Адизов. Пайтдан фойдаланиш керак. Чўнтакни қаппайтирнш пайти келди. Бобухни қўлга олсак бас. У орқали йўқ одамни ишга жойлаб, наряд ёзиб, пулнни арра қилаверамиз...

Ҳа, нафс ўлсин, нафс.. Текин пулнинг дарагини эшитиб бош инженерга ҳам жон кирди. Нима, осмондан тушгандек келаётган 50—100 сўм тешиб чиқармнди...

1982 йилнинг 8 июнида 112-номерли буйруқ билан темир-бетон буюмлари цехига 2-разрядли слесарловчи лавозимига Н. Платонова тайинланади. Платонова заводда бирор марта қора-қурасинн кўрсатмади. Лекин Бочкарёв унга наряд ёпиб берди. «Уроқда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бўлган Платонова маош берилдиган кунн касса олдида пайдо бўлади, пулнн олиб бир қисмнни ўзига, қолганнни Бочкарёвга беради. Бочкарёв эса Тимофеевга... В. Задков деган кимса ҳам Адизов орқали «ншга жойлашади». Унинг ёрдамида давлат кассасидан 1490 сўм 85 тийин пулнн олиб, «арра» қиладилар. 12-автопарк шофёри В. Мордвинцев ҳам «қалбаки меҳнат шартномаси» тузиб, давлат кассасига 1391 сўм 95 тийин зарар келтиради.

Қараса, мўмай пуллар оқиб келяптн. Бобухнинг ҳам иштаҳаси очиб кетади. Давлат қонунқоидаларнинг бузиб, ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, ҳамтовоқлари билан 30 дан ортиқ «ўзи йўқ ишчиларнн ншга «расмийлаштирадн». Шундай қилиб, «бебилнска» пул топишга муккасидан кетган фирибгар-ҳамтовоқлар тўрт ярим йил мобайнида давлатга 7728 сўм 27 тийин зарар келтирадилар...

Яхшиямки, улар тумшуғларидан илнндилар, фирибгарларнинг фаолиятига сўнгги нуқта қўйилдн. Бу нуқтанн Собир Раҳимов район халқ судида Абдували Тангабоев бошчилигида суд ҳайъати қўйди. Давлат маблағнни ишламай-нетмай туя қилиб келаётганлар одил совет суди олдида тегишли жазо олдилар...

«Қилмиш-қидирмиш» деб шунга айтадилар. Эртак-фельетонимиздаги «қаҳрамонлар» қисматн бошқаларга сабоқ бўлмоғи лозим.

М. ХАЛИЛОВ.




• «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

## «ДИНАМО» (МОСКВА)

«Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича мамлакат биринчилиги олий лигасида қатнашаётган «Пахтакор» Москванинг «Динамо» командаси билан навбатдаги тур учрашувнни ўтказади.

Москванинг «Динамо» командаси 1923 йилда ташкил этилган. У 1936 йилдан буён олий лигада қатнашиб келмоқда. Ўн марта СССР чемпиони бўлган, 10 марта мамлакат биринчилигининг кумуш медали билан тақдирланган. 4 марта бронза совриндори бўлган.

Москвалик динамочилар 1937, 1953, 1967, 1970, 1977 йилда мамлакат Кубогини қўлга киритишган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро байрам — 1 Май куни В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойишда иштирок этувчи меҳнаткашларнинг вакиллари корхоналар ва ташкилотлар, муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, район колонналари сафида белгиланган маршрут бўйлаб В. И. Ленин майдонига йўл оладилар. Таклиф билети бўлган кишиларни В. И. Ленин номли майдонга ўтказиш соат 9 дан 45 минут ўтганида тўхтатилади.

Шаҳарнинг марказий қисми — А. Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчалари, В. И. Ленин ва Ш. Р. Рашидов проспектлари бўйлаб барча транспорт воситаларининг ҳаракати соат 7.00 да тўхтатилиб (махсус пропуски бўлган автомашиналар бундан мустасно) меҳнаткашлар намойиши тугаганидан сўнг қайта тикланади.

Тошкент метрополитени 1 Май куни эрталаб соат 6 дан тунги соат 2.00 гача ишлайди. «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» станцияларидан соат 8 дан 13 га қадар фақат чиқиш мумкин. «В. И. Ленин номидаги майдон» станцияси ана шу вақтда ёпиқ бўлади.

Соат 13 дан бошлаб метрополитеннинг барча линияларида ҳаракат тикланади.

ШАҲАР БАЙРАМ КОМИССИЯСИ.

# ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

## ДУШАНБА, 30. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Красноярск Загорьеси». Телефильм.
9.50 «Будильник».
10.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.20 «Тонгги почта».
11.50 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1984 йилги Ленин мукофотининг лауреатлари.
12.50 «Қишлоқ янгиликлари».
13.50 «Музикали киоск».
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.20 СССРда Польша Маданияти кунларининг ёпилиши. Концерт. «Россия» Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади.
16.50 «Магнитка мактаби». Ишларни меҳнат тарбияси ва касбларга йўналтириш ҳақида.
17.35 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
18.15 Волейбол бўйича халқаро учрашув. Эркаклар. СССР—Бразилия терма командалари. Ригадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Халқаро панорама».
19.35 «Давраи кенг олинг». Эстрада концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Йил фасллари. Баҳор». Музикали эстрада кўрсатуви.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Ш. Амиров чалади (балалайка).
9.45 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.00 «Рус тили».
11.30—12.20 «Инсон — замин соҳиби». Кўрик ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 30 йиллигига.
13.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
14.25 Машҳур совет ижрочилари—Ленин мукофотининг лауреатлари. «Дирижёр Евгений Светланов». 2-кўрсатув.
15.15 «Москванинг катта соврини» стендга отиш бўйича халқаро мусобақалар.
15.45 «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
16.45 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.15 «Бонивур қалби». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
18.20 «Оқ йўл!» Қоғозистон ёш ижрочиларининг концерти.
19.20 «Рус Давлат музейи». Рус графикаси.
19.45—20.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Кафтдаги олма». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
10.55 «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм.
12.25 «Узбекистон олимпиадачилари» (рус.).

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Гулла, яшна Май!» (рус.).
19.00 «Мақсад бирлиги». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 «Ахборот» (рус.)
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Малика Аҳмедова рақсга тушади». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 Экранда—кинокомедия. «Қароқчи чоллар».
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

9.00—18.20 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Ефрейтор Збруевнинг етти қаллиғи». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Дўстлик шуъласида». Музикали программа.
20.45 «Меҳнат рапортларимиз — 1 Майга» (рус.).
21.15 «Энг жанубда». Телефильм.
21.30 МТ II

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

## СЕШАНБА, 1. V

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Москвадан чекка ўлкаларгача». Телефильм.
10.15 Е. Шевелёва. «Острава яқинидаги кўприк». Поэма.
10.35 Мультфильм.
10.55 «Совет характери». «Буюк халқ ҳақиқати» туркумидан ҳужжатли фильм.
12.15 СССР халқларининг қўшиқларн ва рақслари.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 Баҳор садолари». Шеърий композиция.
15.30 «Экран дўстларни чорлайди».
16.05 «Чўртан балиқ амри билан». Давлат академик Марказий кўғирчоқ театри фильм-спектаклининг премьераси.
17.20 «Баҳор келяпти». Киноконцерт премьераси.
18.05 «Санъатгода ёмғир ёғмоқда». Бадиий фильм (Франция ва БХР маҳсулоти).
19.30 1 Май байрам концерти.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАР ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Яна юлдузли онлар». Фильм-концерт премьераси.
23.30 «Футбол шарҳи».
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Пионер авлодлари қўшиқлари».
10.10 «Биз БАМни қуряпмиз».
10.55 Мультфильм.
11.10 «Қўшиқ инсон билан қолади».
12.10 Ҳужжатли фильмлар: «Волга», «Етти кўл».
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
16.05 В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти.
17.00 А. Софронов. «Табассум учун миллион». Фильм-спектакль.
19.10 Ю. Казаков ҳикоялари.
19.40 Мультфильм.
20.00—20.30 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Швецияда олиб кўрсатилади.
20.45 «Социалистик мамлакатлар пойтахтлари бўйлаб». Кинокўрсатув.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАР ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ— 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Янги аттракцион». Бадиий фильм.

● УзТВ I

9.45 Кўрсатувлар программаси.
9.50 Тошкент. В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт. «Оҳангларда қалб ҳароратн». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ.

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Баҳор садолари». Болалар учун концерт.
18.50 «Мультипанорама».
19.50 «Ахборот». МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
20.30 «Май базми». Байрам музикали программаси.
21.30 Москва. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Май базми»нинг давоми. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

9.00—17.00 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Нечипоровка табассуми». Музикали фильм.
19.30 «Семург». Бадиий фильм.
20.35 «Мен ўзимни қўшиққа бағишладим». Телефильм.
21.30 МТ II

## ЧОРШАНБА, 2. V

● МТ I

9.00 Янгиликлар.
9.15 МТ ва БР рус қўшиқлари академик хорининг концерти.
10.00 «Дунёнинг олтидан бир бўлаги». Илмий-оммабоп фильм.
10.30 «Қувноқ нотачалар». Останкино концерт студиясида ёш вокалистлар конкурси.
11.30 СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ф. Кузнецов сўзи.
11.45 «Дўстингга пешвоз чиқ». Концерт.
12.15 «Қўшнимиз Билмасвой». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 1-ва 2-сериялар.
14.25 «Аллегро». Фильм-концерт премьераси.
15.05 «1 Майнинг чет эллик меҳмонлари».
15.20 Фильм-концерт премьераси.
16.10 «Ҳайвонот оламида».
17.10 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги.
17.50 Мультфильм.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Пахтакор». В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
19.45 Илмий-оммабоп фильм.
20.10 «Перикола». Телевизион бадиий фильм премьераси. Ж. Оффенбахнинг шу номли операттаси асосида.
21.30 «Время».
22.05 «Театр учрашувлари».
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Болалар учун фильм. «Фақат оролни ўзинг билан олиб кетмайсан».
10.25 «Политрук В. Г. Лугининнинг фронтдан ёзган хатлари».
11.00 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади.
11.40 «Чўққи». Телефильм.
12.30 СССР халқ артисти И. Архипова концерти.
14.05 «Ҳужжатли экран».
14.30 Мультфильмлар.
15.30 «Ҳаётга таклиф». Фильм-спектакль.
17.55 «Русские узори» халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.25 «Бзиб дараси». Телефильм.
18.40 Ю. Вострелов чалади (баян).
19.05—20.30 «Уч плюс икки». Бадиий фильм.
20.50 «Поэзия. О. Берггольц.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо». 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
22.45 «Зенит» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

10.00 Янгиликлар.
10.20 «Хива вақти билан роппароса соат еттида». Фильм-концерт.
10.50 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.10 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар «Санъат байрами» лауреатларининг концерти.
19.20 «Конкурс». Манзарали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижро этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
21.20 «Барглар шитирлайди». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сенн куйлайман». УзССРда хизмат кўрсатган артист Ғ. Ёқубов ижросида видеофильм-концерт.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

9.00—17.55 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Семург». Бадиий фильм.
19.30 «Баҳор овунчоқлари». Мусикали фильм.
20.00 «Одам бўлмайди». Кинокомедия.
21.30 МТ II

## ПАЙШАНБА, 3. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Концерт.
10.05 Ҳужжатли фильмлар.
10.45 «Буратино кўргазмаси».
11.15 «Саёҳатчилар клуби».
12.15 Н. Паганини. Скрипка ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишилари учун». Телефильмлар.
16.15 «Чинор» халқ рақс ансамблининг чиқиши (Боку).
16.40 «Рус тили».
17.10 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
18.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. «Солдат ҳам уйнга қайтди».
18.30 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш». Ташаббускорлик ва социалистик тадбиркорлик.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 С. Танеев романслари.
19.50 «Танлаш ҳуқуқи». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Ю. Маслов. 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион спектаклнинг давоми. 2-қисм.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Кончиларнинг қишлоқдаги юмушлари». Телефильм.
11.05—11.35 «Ўғлим—курсант», «Оила ва мактаб» туркумидан.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Сувдаги излар», «Одам ва тупроқ».
14.10 В. Астафьев. Асарлари саҳифаларида.
14.55 «Даҳлдор». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.55—20.30 «Номаълум...» Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Сиз яратган боғ».
21.15 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Корсаков чалади». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) —«Черноморец». Минскдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Спорт, спорт, спорт». Киноконцерт.
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Болалар учун фильм-концерт.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 Болалар учун. «Бойчечак».
19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». Мирмуҳсин. «Умид».
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси хизмат кўрсатган хорининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 Экранда—кинокомедия. «Ғаройиб бола».
23.55 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Мангу ёшлик». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қадимий ёдгорликлар шаҳри». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

## ЖУМА, 4. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Танлаш ҳуқуқи». Телеспектакль.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Енгиш». Телефильм.
15.50 «Опералардан саҳналар».
16.20 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни».
16.55 «Шахмат мактаби». «Оқ рух».
17.25 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Материализм ва эмпириокритицизм». 1-кўрсатув.
18.05 И. Гайдн. 7-симфония.
18.30 Ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. «Фалабадан кейинги баҳор».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.15 «Бомбардимончи самолёт хроникаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Оммабоп классик куйлардан концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 Ҳужжатли фильм.
11.05—11.35 В. Брюсов лирикаси.
12.05—12.40 «Сиз яратган боғ».
14.10 Илмий-оммабоп фильм.
14.20 «Тарих саҳифалари». «Шаҳсан даҳлдор». Кўрсатувда учала Жанговар Қизил Байроқ орденларининг кавалерн, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеев иштирок этади.
15.05 «Улуғ Ватан урушн йилларида совет тасвирий санъати».
15.35 Г. Бакланов. Асарлари саҳифаларида.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Жилонинг туғилиши». Телефильм.
19.00 «Онамларнинг мактаби».
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Совет тасвирий санъатида коммунист образи».
21.20 «Кора денгиз ороллари». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кулиб боқ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Л. Соловьевнинг «Мафтун бўлган шаҳзода» ва «Осойишталикни бузувчи» романлари мотивлари асосида. 1-серия—«Бағдодлик ўғри».
23.15 Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. Эркаклар.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол прожектори» — ҳаракатда».
18.55 Матбуот кунига. «Журналистика ветеранларининг хотиралари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қўшиқнавис шоирлар». Ямин Қурбон.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қўшиқнавис шоирлар». Ямин Қурбон (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Пятницкая кўчасидаги қаҳвахона». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Дўстларнинг нурафшон даврасида». Эстония санъат усталари иштирокида фильм-концерт.
19.05 «Авлодлар биографияси» (рус.).
19.35 «Оламни кашф этиб». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.40 «Денгиздан эсаётган шабада». Телефильм.
21.30 МТ II

## ШАНБА, 5. V

МАТБУОТ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «АБВГДейка».
10.05 «Спортлото»нинг 18-тиражи.
10.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
10.45 В. Моцарт. Уч вальс.
10.55 «Онла ва мактаб». Тележурнал.
11.25 «Бугун — Матбуот куни».
11.55 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
13.00 «Улкан тақдир эгалари» туркумидан телефильм премьераси.
13.30 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Шимол дайдилари». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
16.35 Матбуот ходимларининг талабларига биноан концерт.
17.35 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
19.05 Мультфильмлар.
19.30 «Чин қалбдан». Жанубий Урал темир йўли ходимлари коллективи билан учрашув.
21.30 «Время».
22.05 Қрим фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган концерт.
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.35 «Тонгги почта».
10.05 «Вақти келди». Илмий изланишнинг моҳияти ҳақида телефильм.
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
11.55 «Мактабдан кейин». Телефильм.
12.45 «Қувноқ стартлар».
13.30 «Музикали киоск».
14.00 ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.35 А. Тур. «Ойдин соната». Фильм-спектакль.
17.55 «Одамлар ва қўғирчоқлар» ансамбли ижро этади.
18.10 «Халқаро обзор».
18.30 «Жануб» операцияси». «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
19.25—20.30 «Сизга меҳр билан, Мария Биешу». Фильм-концерт.
20.50 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Время».
22.05 «Кулиб боқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия — «Юз ҳангомали ўйин».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Журналистчасига ростгўйлик билан». «Правда Востока» кўчаси, 26». Матбуот кунига бағишланган кинопрограмма.
11.00 «Бир умрга тенг йил». Бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Шахмат мактаби».
12.55 «Ҳар оқшом белгиланган соатда». Киров номли Ленинград опера ва балет театри ҳақида ҳужжатли фильм.
14.30 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Юлдузча». Киноальманах.
18.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Матбуот кунига. «Партиявий, халқчил».
20.10 «Яллалар». Музикали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Матбуот ходимлари учун концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Белорус вокзали». Бадиий фильм.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

## ЯКШАНБА, 6.

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Бандурачилар капелласи концерти.
10.10 «Гямида тўй». Телефильм.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье».
12.40 «Тонгги почта».
13.10 «Ҳамма нарсани билиш истайман!» Киноконцерт.
13.20 «Қишлоқ янгиликлари».
14.20 «Музикали киоск».
14.50 «Аччиқ данак». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
15.55 «В. И. Ленин — журнал ва редактор».
16.35 «Акс-садо». Фильм-спектакль премьераси. Автор С. Михалков.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Мультфильм.
19.30 «Ветераилар, Сизлар... Музикали кўрсатув.
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Вераси» вокал-чолғу ансамблининг концерти.
23.25 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Ҳужжатли фильм.
10.10 «Рус тили».
10.40 Грузия бадиий ҳаваскорлик тўгаларининг концерти.
11.20 «Пионерия» киноурнали.
11.30 «Прикарпатье садоларн».
12.15 «Мангуликкa айланган лар». Телеочерк.
12.45 «Дам олиш соатларида» Ҳужжатли фильм премьераси.
13.10 «Излари қолади». Телеспектакль премьераси.
15.00 Телевизион кўрик-танлов. Клин шаҳар ойна заводи клубининг духовой оркестри чалади.
15.10 Ҳужжатли фильмлар.
15.45 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг ижро этади.
16.15 Телефильмлар.
17.00 Ф. Шопен. Фа минор концертазияси.
17.15 «Стадион ҳамма учун».
17.45 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.15 «Уссурий тайгаси. Инсон ва оммабоп фильм премьераси.
18.45 «Адабий ўқиш». М. Шолохов. «Улар Ватан учун жанг қилган эдилар».
19.00 «Рус Давлат музейи. Рус пейзажи».
19.30—20.30 «Бонивур қалби». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
20.45 Машҳур совет ижрочилари—Ленин мукофотининг лауреатлари. «Дирижёр Евгений Светланов». 3-кўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 «Кулиб боқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия—«Мафтун бўлган шаҳзода».
23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Қайрат». 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Бир умрга тенг йил». Бадиий фильм. 2-серия.
11.35 Радио кунига. «Ёш радиоҳаваскорлар».
12.05 «Қувноқ стартлар». Республикалараро мусобақа. Латвия ССР ва Узбекистон ССР.
13.00 «Динамо»: куч ҳаракати» «Динамо» спорт жамоасининг тарихи ҳақида ҳужжатли фильм.
13.50 Шуҳрат. «Бу юртда ҳар чак тонгдек кулади». Адабий композиция.
14.10 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун».
14.45 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Инсон болаликдан бошлади» (рус.).
19.00 Адабий театр. 3. Обидов. «Матонат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ҳинд кинофильмларидан куйлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қорнёкубов номли Ўзбекистон давлат филармонияси «Дўстлик» ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Экранда — кинокомедия. «Кўпчи».
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● 16.00—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.


М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

1, 2 МАЙ СОАТ 14.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

**КОНЦЕРТИ**

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЁҚУБОВА
Солистлар: ҚУЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, УКТАМ АҲМЕДОВ, МАВЛУДА ОИНАҚУЛОВА, ФИРУЗА СОЛИҲОВА, МАЪМУРЖОН МАДВАЛИЕВ, ФИРУЗА МИРҲАМИДОВА, НУРИЛЛА ЖУМЁЗОВ, РАЪНО ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — ҒҒИЛОЙ ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — ОРТИҚ ОТАЖОНОВ.
Балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати РАВШАНОЙ ШАРИПОВА.
Музика раҳбари — АСҚАРАЛИ ХИДИРОВ.


ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 34-ЎРТА МАКТАБ (Бешёғоч кўчаси, 87-уй) 5 МАЙ СОАТ 16.00 ДА мактабни битириб кетганлар билан

АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ УТКАЗАДИ

«Главташкентстрой»га қарашли 1-қурилиш трестининг 63-қурилиш бошқармасига берилган ГТ-1 3091963 ва ГТ-1 3091964 номерли меҳнат дафтарчаларининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Риголетто**, 29/IV да **Гўзал Василиса** (12.00), **Севилья сартароши** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Қиёмат қарз**, 29/IV да **Баланд қоядаги аёллар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да **Ёшликда берган кўнгил**, 29/IV да **Гулсара** (12.00 ва 19.30).

## цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «**Сувда цирк**» **Москва циркининг гастроллари** (11, 15 ва 18.30).

## кино

28 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45, телефон 44-21-74), **Қозоғистон** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Ватан** (18, 21.00).

«СЕВАМАН, КУТАМАН СЕНИ, ЛЕНА»—**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ГУВОҲЛАРСИЗ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»—**М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ИНГЛИЗ КАРАБИНИДАГИ УЧ ГИЛЬЗА—**Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон 91-10-51).

29 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00).

«СЕВАМАН, КУТАМАН СЕНИ, ЛЕНА»—**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ГУВОҲЛАРСИЗ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»—**М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ИНГЛИЗ КАРАБИНИДАГИ УЧ ГИЛЬЗА—**Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон 91-10-51).

1 МАЙДА

**«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»**

МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ЁЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚЛАР, СУВ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, МОТОРЛИ ҚАЙИҚЛАР, КАТЕР, АРҒИМЧОҚ ВА ТЕПЛОХОД ИШЛАЙДИ.

**Боғда сув бўйида чодирли шаҳарча ташкил этилган.**

БУ ШАҲАРЧАДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШ МУДДАТИ ЧЕКЛАНМАГАН.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ДАМ ОЛИШДА ҲИСОБ-КИТОБНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН.

Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ **ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМЛИ МАЙДОНДА** кулинария, кондитерлик маҳсулотлари: тортлар, гўштдан тайёрланган ярим масаллиқлар, сабзавотлар; балиқ, ундан тайёрланган маҳсулотларнинг

БАЙРАМ ОЛДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Савдо-кўргазмаси соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА 29 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Москва) командалари ўртасида

**ФУТБОЛ**

Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Куйбишев райпищеторгининг 18-магазинининг ЎЗУЮЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Средазстроймеханизация» трестига қарашли 18-механизация колоннасининг 227060 — номерли фильм нилмаган чеклари бор ган йўқолган ЛИМИТЛИ ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон» фирма бирлашмаси коллектив лашма катта бухгалтери Ҳакимовага онаси

Зоҳира ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муноси билан чуқур таъзия изҳ лади.

Ўрта Осиё темир йўли 40-ўрта мактаби коллек шу мактабнинг асосчи бири, республика мато шахсий пенсионер, хал рифи аълочиси, Ўзбе ССРда хизмат кўрсат тувчи

Миржалил КАРИМОВнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдирид, ҳуминнг оила аъзоларя зня изҳор қиладилар.


4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р-12223. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент